



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI KENGASHI QARORI

2017 yil “30” декабрь № V-XXVII/155

### Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет” Кодексининг 100-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуннинг 24-моддасига мувофиқ ҳамда вилоят молия бошқармаси раҳбарининг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масала юзасидан берган ахборотини тинглаб ва муҳокама этиб, халқ депутатлари вилоят Кенгashi

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги “2018 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида”ги СҚ-241-III-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарорларига мувофиқ, 2018 йил учун Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари **2 621,3 млрд.сўм** миқдорида тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасига 2018 йил учун маҳаллий бюджетнинг асосий кўрсаткичларини шаҳар ва туманлар ҳамда вилоят бюджети ташкилотлари кесимида Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет” Кодексига мувофиқ белгиланган муддатларда ишлаб чиқиб, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларга етказиш вазифаси юклатилсин.

3. Вилоят Давлат солиқ ва молия бош бошқармалари маҳаллий бюджет даромадлари тушумини таъминлаб бориши, солиқ йиғувчанлигини ошириши, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги боқиманда қарздорлигини қисқартириш ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргалиқда худудларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш ва доимий

равищда маҳаллий бюджетларга кўшимча даромадлар тушумини жалб этилишини таъминлаб бориш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят телерадиокомпанияси, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газетасига 2018 йил учун Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари ҳақида кенг жамоатчиликка етказиш тавсия этилсин.

5. Мазкур сессия қарори ижросини назорат этиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси,  
вилоят ҳокими



Ш.Фаниев.